

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ

Илмий-амалий ва назарий журнал

Инновационное развитие в экономике

Научно-практический и теоретический журнал

Innovative development in the economy

Scientific-practical and theoretical journal

**3-сон
2019 йил**

2018 йилдан бошлаб чиқа бошлаган

**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИДА
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН**

Рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси № 0961, 2018 йил 05 март

ISSN-2181-9475

Таъсисчи - “ИҚТИСОДИЁТ ДУНЁСИ” МЧЖ

© Иқтисодиётда инновацион ривожланиш, 2019.

БОШ МУҲАРРИР:

и.ф.д., профессор Иватов Ирисбек

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ: Академик Искандаров Иброҳимжон

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Абдурахманов Қаландар Ходжаевич	(Тошкент ш.),
академик Гулямов Саидахрор Саидахмедович	(Тошкент ш.),
академик Аимбетов Нагмет Каллиевич	(Нукус ш.),
и.ф.н., доц. Гадоев Эркин Файзиевич	(Тошкент ш.),
и.ф.н., доц. Тешабоев Тўлкин Зокирович	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Умурзақов Ўктам Пардаевич	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Аҳмедов Дурбек Қудратуллаевич	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Ахунова Гулчехра Назаровна	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Тўраев Баҳодир Хотамович	(Самарқанд ш.),
и.ф.д., проф. Абдуллаев Абдурауф	(Андижон ш.),
и.ф.д., проф. Ғойибназаров Баҳодир Каримович	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Дусмуратов Раджапбой Давлатбоевич	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Иминов Тоҳиржон Каримович	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Қосимова Махфират Собировна,	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Қодиров Абдурашид Маджидович	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Маҳкамова Мамлакат Абдуқодировна	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич	(Самарқанд ш.),
и.ф.д., проф. Расулев Мухтор Расулевич	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Санаев Санъатбек Камилевич	(Урганч ш.),
и.ф.д., проф. Тошпўлатова Бибисора	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Хушматов Норкул	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Шодиев Рустам Хамидович,	(Тошкент ш.),
и.ф.д., проф. Шодиев Турсун Шодиевич.	(Тошкент ш.).

МАСЪУЛ КОТИБ: Камилова Санобар Мирджамаловна

Мақолалар рецензия қилинади.

Статьи рецензируются.

Материаллар кўчириб босилаётганда “Иқтисодиётда инновацион ривожланиш” журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Таҳририят фикри ҳар доим ҳам муаллифларнинг чоп этилаётган мақолаларидаги фикрлари билан мос келавермайди. Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланадилар. Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Алоқа бўлимнинг барча бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

МУНДАРИЖА

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦОН РИВОЖЛАНИШ

Тохиров Ж.	Олий таълимда хизматларнинг мазмун-моҳияти ва сифатини ошириш йўллари.....	4
Ташходжаев М.	Таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш.....	9
Хамидова А.А., Мелиев Х.Т.	Таълим хизматлари бозорида сифатни бошқариш самарадорлигини ошириш.....	14
Ғаниев Э.	Узлуксиз таълимда бошқарув механизмларидан фойдаланиш зарурати.....	17

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОЛИК, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Муродова М.Ч.	Агрокластерларни ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш	23
Мирзаев Ш.Б.	Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кооперациясини қўллаб қувватлаш ва тартибга солиш	31
Примова С.А.	Новые горизонты для Узбекистана в реализации инициативы "один пояс-один путь ".....	35

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГДА ИННОВАЦИЯЛАР

Тураев Б.Х.	Индивиды и их математическая интерпретация в развитие туристической сферы.....	39
Ахатов К.Р.	Саноат корхоналарини инновацион ривожланишида маҳсулот рақобатбардошлиги	46
Султанходжаев Б.З.	Становление и развитие химической промышленности в условиях свободного хозяйствования.....	50
Паязов М.М.	Қайта ишлаш саноати тармоқлари ривожланишининг хориж тажрибалари.....	55
Якуббаев Х., Ғаниева Н., Ашурматов Р.	Корхоналарни модернизациялаш шароитида инновацион маркетингни қўллаш зарурияти.....	60
Рузиев Ф.Ф	Иқтисодиётнинг саноат корхоналарида инвестицион муҳитни фаоллаштириш	64
Тлеуов И.	Структурные сдвиги и инвестиционный потенциал в пищевой промышленности.....	69

МОЛИЯ ВА БАНК . БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Мирсаидов Ш.Х.	Вопросы трансформации стандартов национального аудита Республики Узбекистан в Международные.....	74
Ma'murova M.З.	Davlatning fiskal siyosatining asosiy yo'nalishlari va usullari.....	80
Кодиркулов О.Т.	Давлат статистика ҳисоботларининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари билан боғланиши.....	84
Эшпулатов Э.Н.	Туристик фирма ва компанияларнинг инновацион ривожланиши шароитида молиявий натижалар тавсифи.....	89

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Иватов И.	Юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлган олим. Иқтисод фанлари доктори, профессор Мурод Мухаммедов “70” ёшда.....	95
-----------	---	----

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ХИЗМАТЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ
ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мақолада олий таълим хизматларнинг моҳияти ўрганилиб, унинг сифатини ошириш йўллари кўрсатиб берилган ва таълим хизматларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг сифатига таъсир этувчи омиллар таҳлили умумлаштирилган. Шунингдек, кўзланган йўналишда назарий ёндашувлар ва замонавий мулоҳазаларнинг мазмунига ва шаклланиш хусусиятларига эътибор қаратилган

В статье изучая сущности услуг сферы высшего образования, показаны пути повышения её качества, исходя их особенностей услуги образования и обобщены анализ факторов влияющих на её качества. Также обращено внимание на специфику и особенности формирования теоретических подходов и современных суждений в заданной плоскости.

Studying the essence of higher education services, the article shows ways to improve its quality, based on their features of education services, an analysis of factors affecting its quality is generalized. Attention is also paid to the specifics and features of the formation of theoretical approaches and modern judgments in a given plane.

***Калитли сўзлар:** таълим, олий таълим, олий таълим тизими, моддий объект, моддий ишлаб чиқариш, номоддий ишлаб чиқариш, хизматлар соҳаси, таълим хизматлари, таълим хизматлари сифати, ишга лаёқатлилиқ, ишчи кучи, кўникмалар.*

Жамиятимизда амалга оширилаётган йирик ислохотлар иқтисодиёт ҳамда бошқа соҳаларнинг турли тармоқлари учун ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, назарий, амалий ва касбий тайёргарлиги юқори кадрлар етказиб беришни талаб этмоқда. Фан-техника ва жамиятнинг ижтимоий ривожланиши шахснинг фаоллигига боғлиқ бўлиб, ўз навбатида бевосита таълим ва тарбия, кадрлар тайёрлаш жараёнида ўзига хос талаблар кўяди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонининг мақсади ҳам олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришдан иборатдир [1].


Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан кўринадик, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш ҳисобига иқтисодий тараққиётни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Хизматлар соҳасининг кенгайиши ва ривожланиши миллий даромадларнинг ошишини таъминловчи ҳамда аҳоли учун муносиб турмуш даражасини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилдир. Хизматларнинг юқори сифати ва хилма-хиллиги ходимларнинг меҳнат самарадорлигини оширади, истеъмол харажатларини камайтиради, вақтни тежалишига олиб келади ҳамда бўш вақт самарадорлигини оширади.

Бугунги кунда хизмат тушунчаси бўйича кўп таърифлар мавжуд. Жумладан, Ф.Котлер “хизмат - бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мумкин бўлган, асосан сезилмайдиган ва бирор нарсага эғалик ҳиссини бермайдиган исталган чора-тадбирлар ёки ҳаракатли фойда”, - деб ҳисоблайди [2]. Г.Ассэль “Хизматлар – истеъмолчилар томонидан харид этиладиган, аммо мулк шакл тамойилидан бегона, ҳис этиб бўлмайдиган неъматлардир”, - деб ҳисоблайди [3]. С.И.Ожегов рус тили луғатида: “Хизмат - бу наф келтириш ёки бошқа бир кишига маиший қулайлик яратиш ҳаракати”, - деб таърифлайди [4]. Р.М.Нуреев “Хизмат – қандайдир моддий объект сифатида

мулкка эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш имкониятига эга бўлмаган наф келтирувчи тушунча ёки (ҳаракат) муносабатдир”, - деб ҳисоблайди [5].

Мамлакатимиз олимларидан Ж.М.Қурбонов “Хизмат - жамиятда бўладиган махсус ҳаракат, унинг бажарилишида албатта фалсафий категория ҳисобланган инсоннинг инсонга яхшилиқ қилиш ҳаракати ҳар иккала томонга ҳам манфаат келтириши керак”, - деб таърифлайди [6]. Е.С.Файзиев хизматга қуйидаги таърифни берган: “Хизмат – бу инсонларнинг эҳтиёж ва талабларини қондиришга қаратилган фаолиятдир. Ушбу фаолият маҳсулотда гавдаланиши (моддий хизматлар), ҳамда меҳнат жараёнининг ўзида истеъмол қилинадиган фойдали меҳнат самараси сифатида (номоддий хизматлар) намоён бўлади...” [7]. Р.С.Амридинова эса, “Хизмат - бу бир кишининг иккинчи киши учун қиладиган маълум иши, деб тушунилади. Хизматларни истеъмолчи билан мулоқотда бўлиш даражасига қараб ҳам таснифлаш мумкин. Агар хизматларни таклиф этувчи ходимнинг истеъмолчи билан мулоқоти яқин бўлса, ходимнинг хизматни сифатли бажариши учун зарурий техник тайёргарлигидан ташқари, уни яна шахслараро муносабатлар борасида ҳам ўқитиш зарурати пайдо бўлади. Чунки, хизматлар сифати бир хил бўлган тақдирда истеъмолчи у билан яхши муносабатда, хушмуомила бўлган таклиф этувчини танлайди. Хизмат товардан фарқ қилади, шу билан бирга ўзида товар каби ўз нархи ва қийматига эга бўлади”, - деб изоҳлайди [8].

Хизмат тушунчасига берилган таърифларнинг айримларини юқорида келтириб ўтдик холос. Бир гуруҳ чет эллик иқтисодчи олимлар К.Р.Макконнелл, П.Дойль, Б.А.Райзберк, Э.Дж.Долан, Б.И.Домненко, В.И.Ширай, А.П.Добрынин, Г.П.Журавлева, Н.Панкратьева, М.Г.Назарова ва В.Б.Супянлар томонидан “хизмат”, “хизмат кўрсатиш”, “сервис”, тушунчаларига турли хил фикрлар билдирилган. Республикаимиз олимларидан М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Б.Абдукаримов, Қ.Ж.Мирзаев, И.С.Очилов ва бошқалар ҳам хизматлар соҳасининг назарий масалаларини тадқиқот этишда ўзларининг маълум даражада ҳиссаларини қўшганлар.



1-расм. Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши¹

Қайд қилиш жоизки, кишилар ўзларининг онгли мақсадга мувофиқ унумли меҳнати билан табиат моддаларининг шаклларини ўзгартирадилар ва истеъмол учун зарур бўлган маҳсулот ва хизматни вужудга келтирадилар. Меҳнат жараёнида кишилар ва табиат ўртасида моддалар алмашинуви билан бирга инсоннинг ўзи ҳам ҳар

¹ Shodmonov Sh.Sh., G'ofurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik.– Toshkent.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. - 43 b.

томонлама камол топиб боради, яъни одамлар ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини, билимини оширади ҳамда уларни амалда қўллашни кенгайтириб боради.

Хусусан, ишлаб чиқариш жараёни истеъмол қийматларни вужудга келтириш учун мақсадга мувофиқ қилинадиган ҳаракатдир, табиат яратган нарсаларни киши истеъмоли учун ўзлаштириб олишдир, киши билан табиат ўртасидаги модда алмашувининг умумий шартидир, киши ҳаётининг абадий табиий шароитидир[9].

1-расмдан кўриниб турирдики, ўз навбатида, моддий ишлаб чиқариш соҳаси моддий неъматларни ишлаб чиқариш (масалан, автомобиль, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва ҳ.к.) ва моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар)дан иборат бўлади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳам номоддий неъматларни ишлаб чиқариш (масалан, музика асарлари, бадиий ва илмий асарлар, ихтиро ва кашфиётлар) ва номоддий хизматлар кўрсатиш (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)га ажралади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқалар) зарурий моддий неъматлар яратилади, хизмат кўрсатиш соҳаларида эса турли хил маънавий неъматлар яратилади ва хизматлар кўрсатилади. Бу икки соҳа бири-бири билан узвий боғланган ҳолда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш белгиларини фарқловчи хусусиятлар мавжуд. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, номоддий ишлаб чиқаришда истеъмолчи билан муносабат ва харажатлар ҳажмининг камлиги билан аҳолининг ҳар бир табақаларига мос келади. Шундай қилиб, жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан хизмат кўрсатиш соҳасининг хўжалик жиҳатлари кучайиб такомиллашади, энг асосийси – аҳоли томонидан хизмат кўрсатишга бўлган талаб ошиб бораверади [10].

Жадвал

Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг мазмуни²

Т/р	Хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари	Мазкур хусусиятларнинг мазмун-моҳияти
1.	Таълим хизматларининг бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги	Таълим хизматларининг ижтимоий аҳамияти бевосита аҳолининг иш билан таъминланиши, даромадларнинг ўсиши, ҳаёт сифати ва даражасининг оширилиши билан белгиланади. Иқтисодий аҳамияти бевосита унинг мамлакат иқтисодиётига (ЯИМ) қўшаётган ҳиссаси, хизматлар соҳасидаги ўрни, ишчи кучини тайёрлаш ва бошқалар билан белгиланади.
2.	Таълим хизматларининг моддий шаклда намоён бўлмаслиги	Таълим берувчининг хизмати унинг профессионаллигига мос равишда истеъмолчининг ҳам мазкур хизматдан қанчалик манфаатдор бўлишлигини назарда тутаяди ва натижада уларнинг умумий савиясига боғлиқ бўлади.
3.	Таълим хизматлари сифати ва рақобатбардошлиги	Таълим хизматлари кўрсатилаётган жараёнда истеъмол қилинади, унинг сифати ҳам шу жараённинг ўзида истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчи томонидан баҳоланади. Агар сифатли хизматни таъминлай олмаса, рақобатда енгилишлари мумкин.

² Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, таълим хизматлари бошқа хизматлар сингари моддий кўринишга эга бўлмаса-да ҳам, лекин аҳолининг ҳаёт фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатига муайян даражада таъсир кўрсатади. Чунки, мазкур хизмат асосан кишиларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантиришга қартилган. Иқтисодиёт назариясига оид китобларда “ишчи кучига –инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилияти”, -деган таъриф берилган.

Узоқ даврлар мобайнида ишчи кучи сифатида асосан инсоннинг жисмоний қобилиятига эътибор бериб келган. Бизнингча, бугунги кунда ва хаттоки келажакда ҳам инсоннинг ишчи кучи сифатида унинг ақлий-инновацион қобилиятидан унумли фойдаланиш масаласи асосий муаммо сифатида кўрилади.

Демак, сифатли таълим хизматларини кўрсатиш бугунги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Айниқса, таълим хизматларининг ҳам ўзига хос хусусиятлари (белгилари) мавжуд бўлиб. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин (жадвал).

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида нафақат таълим хизматлари кўрсатишнинг сифати, балки ушбу хизматдан фойдаланганларнинг эришган натижалари ҳақида ҳам қайғуриш лозим.

Бу борада АҚШ Таълим Департаменти тўққизта асосий кўникмаларни ўз ичига олган ишга лаёқатлилиқ концептуал тизимини ишлаб чиққан [11].

Таълим доимо эртанги кун билан яшаши лозимлигини эътиборда тутсак, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўлами ниҳоятда кўплиги сезилади. Бундан келиб чиқиб, олиб борилган изланишларимиз натижасида ишга лаёқатлилиқ тизимини таклиф қилмоқчимиз (2-расм).



2-расм. Ишга лаёқатлилиқ³

Айтиш жоизки, ишга лаёқатлилиқ кўникмалари барча меҳнат бозорида ва барча соҳаларда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган умумий кўникмалардир. Амалий билимлар тўғридан-тўғри битирувчиларнинг таълим олиш жараёнида ўзлаштирган кўникмаларидан келиб чиқади. Иш жойидаги кўникмалар ва самарали муносабатлар таълим олиш жараёнига мос эмас, бироқ, кенгроқ қўлланилиши лозим. Айниқса,

³ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

технологик жиҳатдан ўзгариб бораётган дунё ва глобал иқтисодий ривожланиш шароитида иш берувчилар қандай кўникмаларни талаб қилишини аниқлаш жуда муҳимдир. Бунинг учун:

иш берувчилар битирувчилардан қандай кўникмаларни талаб қилишларини мунтазам аниқлаб бориш;

- битирувчиларининг ишчи кучига ўтишига тўлиқ тайёр эканлигини аниқлаш;
- олий таълим, амалиёт ўташ коҳоналари ва иш берувчилар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва назоратини олиб бориш;
- таълим хизматларининг сифати ва рақобатбардошлигини аниқлашда ишга лаёқатлилик кўникмалари тизимидан самарали фойдаланиш;
- таълим хизматлари кўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини оширишда давлат-хусусий шериклиги асосида бизнес соҳасининг имкониятларидан кенг фойдаланиш кенг фойдаланиш лозим.

Шу боис, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида олий таълимда хизматларнинг сифатини ошириш замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришни кафолатлайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони* // *lex.uz.*
2. *Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд / Пер. С англ.: под ред. С.Г. Божук. - СПб.: Питер, 2005. – С. 301.*
3. *Ассэль Г. Маркетинг: принципы и стратегия.: учебник для вузов. - М.:2001. С. 337.*
4. *Романович Ж.А., Калачев С.Л. Сервисная деятелноц. Учебник. –М. Издателско торг. корпоратсия “Дашков и К”, 2007, С. 268.*
5. *Нуреев Р.М. Эканомика развития: модели становления рыночной экономики. – М., 2008. – С.19.*
6. *Қурбонов Ж.М. Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиши. Ма’рузалар матни, I-қисм. Самарқанд, СамИСИ, 2009.–126 б.*
7. *Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд. “Зарафшон” нашриёти. – 2010. -236.*
8. *Амриддинова Р.С. “Меҳнат ресурсларини бошқариш асосида туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти туризм корхоналари мисолида)” // И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. - С.: СамИСИ, 2012. - 13 б.*
9. *Shodmonov Sh.Sh., G'ofurov U.V. Iqtisodiyot nazariyas: Darslik.– Toshkent.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. - 42 б.*
10. *Урунбаева Ю.П. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқболлари” // фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация. - С.: СамИСИ, 2018. – 22-23 б.*
11. *McGarry, K. B. (2016). An examination of perceived employability skills between employers and college graduates (Order No. 10241724). Available from ProQuest Dissertations & Theses Global. (1861963335). Retrieved from <https://search.proquest.com/docview/1861963335?accountid=177872>*

**Тоҳиров Жавлон Рахимович – Бухоро давлат университети
таянч докторанти**

И.ф.н., доцент М. Ташходжаев